


САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Авал хабар қилингандек, шу йилнинг 10-11 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Президент Леонид Кучма таклифига кўра Украина Республикасида расмий сафарда бўлди.



С.Курбонбоев (ЎЗА) олган сурат.

Европанинг марказида жойлашган, саноати, фани, техникаси яхши ривожланган, 52 миллиондан ортиқ нуфусга эга Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, ўзаро иқтисодий, илмий-техник ва маданий алоқалар узоқ йиллар давомида таркиб топиб келган. Икки мамлакатнинг айрим ишлаб чиқариш тармоқлари бир-бири билан узвий боғлангани фикримиз далилидир. Украина дуненинг 100 дан ортиқ мамлакатга маҳсулот сотади. У қўллаб-қувватлаётган давлатлар билан мустақкам савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатган.

Ўзбекистон Украина учун бугунги кунда жуда зарур бўлган газ ва нефть захиралари, пахта, тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда рағбатли металлургия эга. Украина саноатчилари эса Ўзбекистоннинг нефть ва газ қонларини ўзлаштириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, қурулур ва турли металл ашёларини жакон талабларида жавоб берадиган даражада ишлаб чиқаради.

Шу боис мамлакатларимиз ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик ҳар қачонгидан кўра долзарб масалага айланди. Икки мамлакат ўртасида мустақкам алоқа ўрнатилиши дўст ўзбек ва украин халқлари манфаатларига ҳам тўла мос келади.

Ислам Каримов Киевга таширфининг биринчи кунинда Украина Республикаси Президенти Леонид Кучма, мамлакат Бош вазир Виталий Масол билан учрашди, самийи мулоқотда бўлди. Ана шу суҳбатлар чоғида Ўзаро алоқаларни ривожлантиришга оид қўллаб-қувватлаш, шунингдек, халқаро ҳаётнинг икки томонини қизиқтиратган мавзуларни фикрлашиб олди.

Ўзбекистон ва Украина республикалари олдига турган қасадларнинг мушаракатли, савдо-иқтисодий, илмий-техник

ҳамкорлиқни кенгайтириш заруряти алоҳида таъкидланди. Бундан ташқари, икки мамлакат имкониятларини ишлатишнинг ҳолда жакон бозорига рақобатбардор маҳсулотлар етказиб берадиган ишлаб чиқариш тизимини вужудга келтириш истиғи билдирилди.

Олий даражадаги учрашувлар, мулоқотлар ва музокаралар натижасида олтин муҳим ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон ва Украина республикалари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлиқнинг асосий йўналишлари ҳақида баённома, даромад ва мулклардан икки томонлама солиқ олмалик ҳамда ўзаро маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга Президентлар Ислам Каримов ва Леонид Кучма имзо қўйдилар.

Ушбу ҳужжатларнинг имзоланиши мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг чуқурлашуви, биргаликда иқтисодий ислохотлар самарасини ошириш ҳамда халқларимиз турмушини юқори поғонага кўтариш, дўстлигини мустақкамлаш йўлида амалий ҳаракатлар сари олақа босилган қадам бўлди.

Ислам Каримов Киевга таширфининг биринчи кунинда мамлакат пойтахтидаги Номаълум аскар қабрини зиёрат этиб, урушда ҳалок бўлганлар хотирасини ёд этди. Украина заминини фашист босқинчиларидан озод этишда мингглаб ўзбек йигитлари ҳалок бўлган. Ана шу жангларда 126 нафар Ўзбекистонлик жангчи уруш қаҳрамонини унвонини олгани ватандошларимиз жасоратининг намунасидир. Қадимий ва жафокан Киев шаҳри пойида ястаниб этан соқини Днепр дельтаси маъмур жасоратининг, ўзбек ва украин халқларининг энг оғир қамалдаги елкашловининг гувоҳиди.

Бу дўстлик урушидан кейин ҳам давом этди. Тошкентдаги элчиликдан сўнг украиналик

бинокорлар мамлакатимиз пойтахтида қўллаб-қувватлаш бўлини, жамоат масканларини бунёд этдилар. Чернобиль фокяси асосларини тутатишда эса ўзбек халқи ўз қўлини қўйди. Бугун мамлакатимизда 300 мингдан ортиқ украин яшамокда ва улар ўзбекистонга ўз ватани деб билиб, юртини фаровонлиги, равижи учун меҳнат қилаётган. Тошкентдаги Украин миллий-маданий маркази эса қизгин фаолият кўрсатмоқда.

Шу кунин Ислам Каримов Украина Миллий академиясининг Материалишунослик муаммолари институтига таширф буюрди. Машҳур олим, миллий академия президенти Борис Патон Ислам Каримовга ҳамроҳлик қилди. Ушбу институти фаолияти Украинанинг фан-техника таракқиетида эришган ютуқларига яққол мисол бўла олади. Бу ерда яратилган материаллар қўнғилиқ турмуш учун зарур бўлган ашёлардан тортиб космонавтика соҳасида ишлатилидиган асбобларни ишлаб чиқаришга қўллашмоқда.

Институти кўргазмалари билан танишиш чоғида Президентимиз

ўзаро ҳамкорликка қаровчи ана шундай мулоқотлар, фойдали бахш мунозараларга бой бўлди. Мажмуада МДХ мамлакатлари бўйлаб парвоз қилаётган "АН" русумидаги барча самолётлар таъмирланган, уларга "иккинчи ҳаёт" бахш этилади.

Ўзбекистонлик меҳмонлар янги нусхадаги "АН-70" юк самолёти модели билан танишдилар. Улар "АН-70" ўзининг қудрати, техника мукамаллиги ва енгиллиги билан хозирча жаҳонда ягона самолётдир. Шунинг қувватлиги, бу самолётга Украина, Россия Федерацияси билан бирга Ўзбекистон байроғи тасвири ҳам туширилган. Чунки, унинг бунёд этилишида Ўзбекистон ҳам иштирок этган — унинг қанотлари ва бошқа айрим қисмлари Тошкент авиация ишлаб чиқариш биришмасида тайёрланган.

В. Чаков номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш биришмасининг "АН" русумидаги самолётлар ишлаб чиқаришга яхтисолашгани украиналик конструкторлар билан ҳамкорлик

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

14 ноябрь кунин Ватикан Давлатининг Ўзбекистондаги доимий дипломатия вакили этиб тайинланган архиепископ Мариан Олеш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга ишонч ерлигини топширди.

Архиепископ Мариан Олеш Ўзбекистон билан Ватикан ўртасидаги дўстона алоқалар узоқ тарихга бориб тақаллиниши таъкидлар экан, республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг халқ фаровонлигини оширишга қаратилгани ва бу Шарқ билан Гарб ўртасидаги муносабатларнинг юксалишида муҳим аҳамият касб этишини айтди.

Ислам Каримов архиепископ Мариан Олешни масъулиятли ва юксак лавозимга тайинлангани билан қутлар экан, Ўзбекистон Ватикан Давлатининг дунёда тинчлик ва ўзаро ҳамжиҳатликка эришиш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Ишонч ерлигини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎЗА)

ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

"Тошкент тўқимачилик комбинати" ип-газлама ишлаб чиқариш биришмасининг маданият саройи кўргазмалар залида ўзига хос суратлар кўргазмаси очилди.

Кўргазмадан 16 ёшли Наташа Машина ва 13 ёшли Наташа Борисоваларнинг ижодий ишлари ўрин олган. Бу икки ёш ижодкор маданият саройи қошида ташкил этилган "Булоқча" номли намунали болалар тасвирий санъат студиясининг қатнашчиларидир.

Кўргазмани ташкил қилишдан мақсад иқтидорли ешларнинг маҳоратини кўрсатиш. Ҳозирги бозор иқтисодиетидаги ўтиш давридаги қийинчиликларга қарамай болалар орасида тасвирий санъатга қизиқиш ортиб бораётган. Н. Машина ва Н. Борисовалар ҳам студияга тўрт йилдан бери қатнашаётган. Студияда бугунги санъатнинг ранг-баранг ва мураккаб поғонасига қадам қўйган еш ижодкорлар шундай излашда чиникиб ўзларининг ижодий йўлларини топиб олишга талпинган.

Дарҳақиқат, кўргазма залини айланар экансиз бўлажак еш рассомларнинг ижодида янги, замонавий воқеликдан туптилган таассуротларни образли тасвирлаб кўрсатишга интилиши яққол сезилади.

Кўргазмадан Н.Машинанинг 85, Н. Борисованинг эса 76 та асари ўрин олган.

Дония ЗОКИРОВА.

ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

"Истикбол" ижтимоий-сиёсий таҳлилий журнали ташаббуси билан Тошкент Давлат университети қошидаги Олий педагогика институтида "Истиклол" мафкураси манбалари, муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари" мавзусида республика илмий-назарий ва амалий анжумани бўлиб ўтди. Уни институти директори, профессор Ш. Шаропов кириш сўзи билан очди.

Анжуманининг гоиси: шаклланиш тарихи ва ривожини шўбаси бўйича профессор Қ. Усмоновнинг "Маънавий мерос ва мафкура", профессор Н. Ҳакимовнинг "Истиклол мафкурасининг тарихий илдизлари", мавзусидаги, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг политология ва социология жикатлари" шўбаси бўйича эса профессор С. Отамуродовнинг "Сиёсий баркарорлиқни таъминлаш омилларини ривожлантириш муаммолари", профессор И. Каримовнинг "Ҳаёт-мамат масаласи" мавзусидаги мавзузалари тингланди.

Марат РАЖАБОВ.

ПОЙТАХТИЛИК ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАРИ САЛМОҚЛИ

Бугунги кунда Тошкент давлат-хиссасдорлик қурилиш корпорацияси бинокорларнинг ишлари салмоқли бўляпти. Айни пайтда қурувчилар "Сергели", "Белтепа", "Изма", "Қурувчи" ва бошқа даҳаларда иш олиб боришмоқда. Масалан, ҳозирги кунда корпорацияга қарашли 1-уйсузлик комбинати бинокорлари бир қанча жойларда қурилиш ишларини олиб боришмоқда. Шаҳримизнинг "Белтепа" мавзесидagi 20-уй, "Қурувчи" даҳасидаги бир нечта яққа тартибдаги, Сергелидаги 36 хонадонга мўлжалланган уйлар шулар жумласидандир. Яқинда комбинат томонидан 2 та яққа тартибдаги уй фойдаланишга топширилди.

Корпорацияга қарашли уй-жой қурилиш трести бинокорлари шаҳримизнинг "Белтепа" мавзесида бунёдкорлик ишларини авж олдиришган. Улар яқинда мавзеда 11-уй деб номланган бинони тўла қуриб битказишди. Уйнинг умумий

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

25 декабрь — Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар кунин

сайлов комиссиялари муҳим ўрин ажратилмоқда. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов муваффақиятлари ўтказиш қўл жикатдан сайлов комиссиялари аъзоларининг тайергарлик даражасига, сайлов тўғрисидаги қонун талабларини яхши билишларига, улар олдида турган вазифаларни тўғри

англашларига боғлиқ бўлади. Сайловлар тўғрисида Шу жикатдан олганда Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи

МУҲАММАД ШАРИФ, ЎЗА ШАҲЛОҒИ

сайлов комиссиялари муҳим ўрин ажратилмоқда. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов муваффақиятлари ўтказиш қўл жикатдан сайлов комиссиялари аъзоларининг тайергарлик даражасига, сайлов тўғрисидаги қонун талабларини яхши билишларига, улар олдида турган вазифаларни тўғри

сайлов комиссиялари муҳим ўрин ажратилмоқда. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов муваффақиятлари ўтказиш қўл жикатдан сайлов комиссиялари аъзоларининг тайергарлик даражасига, сайлов тўғрисидаги қонун талабларини яхши билишларига, улар олдида турган вазифаларни тўғри

ТУШУНИБ ЕТИШЯПТИ

"Малика" акционерлик жамияти қошида меҳнат қилётган ишчи-хизматчиларга акциялар сотила бошланган бироз бўлсада тушунтириш ишлари олиб боришган эди. Ҳозирги кунда ҳар бир ишчи акция ва акционерлар жамияти нима эканлигини аниқ тушуниб етишмоқда.

Айниқса, жаҳоннинг тандалаш-тўқу бўлинимас хизматчилари ўз боғлиқлари билан бунин исбот этаётган. Улар ишлаб чиқаришда яхши кўрсаткичларга эришиш билан бир қаторда ўзаро учун бағлиланган 1509 дона акцияни сотиб олишга ҳаракат қилишмоқда. Бу бўлинида 90 нафар ишчи меҳнат қилади. Акцияларни сотиб олиш борасида нафақага кетган фахрийлар ҳам ҳисобга киритилди. Улар билан жами 108 нафар акциядор 33340 сўмлик акцияни сотиб олдилар. Бундан қўрииб турибдики, ишчиларнинг барчаси келажакда ишонч ва катта умидлар билан қараб меҳнат қилишмоқда.

Мунаввар БОСИТХОНОВА.

АЛЛОМАНИ ЭСЛАБ

Юнусовод туманидаги Улуғбек маҳалласида Мирзо Улуғбекнинг 600 йилгичи санасига бағишланган кеча ўтказилди. Маҳалла ҳудудидagi 51-ўрта мактабининг байрамона безатилган мажлислар зали маҳалла аҳлино шонлар, олимлар билан лиқ ўтди.

Кечани маҳалла оқсоқоли Абдувосит ака Мавлонов очган, кимё фанлари номзоди, доцент Шомаскуд Исоқов фалакит нилмининг султони бўлиши Мирзо Улуғбекнинг фанимининг ривожига қўшган ҳиссаси ва ундан қолган илмий мерос ҳақида атоқлича тўхталиб ўтди. Сўнг Ўзбекистон халқ аъзусини Одиб Екубов, филология фанлари доктори, профессор Марик Муродов, Улуғбек номидаги фалакшунослик институтининг ходими, таниқли олим Сандбаҳром Азизовлар ҳам сўзга чиқиб, буюк олимнинг чет эллардаги нуфузи, унинг устоз ва шогирдлари, халқ очилмаган қирралари хусусида батафсил мавзузга қилишди.

Тадбир сўнггида француз тили чукур ўргатилдиган 51-мактаб ўқувчилари ижросидаги ўзбек ва француз тилларида тайерланган театролаштирилган бадий кеча ҳамда шўх кўй, қўшиқ ва рақслар йиғилганларда катта таассурот қолдириди.

Дилшод ИСРОЙЛОВ.

ОБУНА МУДДАТИ

Республика матбуот тарқатиш маркази бошлиғининг ўринбосари В. Н. Цойнинг бизга хабар қилишича, газета ва журналларга обуна муддати 1994 йилнинг 1 декабрига қадар узайтирилди.

Обунани истаган киши алоқа бўлимларига кнриб расмийлаштириш мумкин. Агар шундай қилсангиз, янги йилнинг биринчи куниндан бошлаб сиз ҳеч қандай муаммосиз ўзингиз севган наشريни, жумладан "Оқшом" газетасини ҳам мунтазам олиб ўқисиз.

Хўш, тиббиёт билан шахмат ўйини ўртасида қандай алоқа бор? Қуйида кадимий шахмат ўйинининг даволаш хусусиятлари тўғрисида хикоя қиламиз.

Рухий фаолиятнинг энг нозик бузилишларини маромига солишда шахматнинг ўрни бениҳоя каттадир. Айниқса у нозик феъл-атворга эга

ечилиши лозим бўлган турли хил мушкул вазиятлар рўй берадики, бола уларни бартараф этиш йўлини излашга мажбур бўлади. Унда аста-секин тиришқоқлик, қўнт-бардош шаклланади.

Иккинчидан, шахмат билан шуғулланиш, ундаги кескин ва нозик вазиятлар ички

иллатнинг ҳам олдини олишга имкон яратади. ўсмирларда бу нохуш одатнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди. Бу иллатга дучор бўлганларни ундан халос этади.

Маълумки, спиртли ичимлик бош мия қобигига кескин салбий таъсир кўрсатади. У эса олий

қўзғатиш лозим. Аммо бунга осонликча эришиб бўлмайди. Шахмат бундай дамларда ҳақимнинг асосий ердамчиси вазифасини ўтайди. Қўлчилик беморлар шахмат ўйини билан шуғулланганларида тез шифо топадилар. Устига устак улар бир-бирларини даволайдилар.

Шахмат рухий кайфиятни соғломлаштириш жараёнида катнашиш билан бирга инсонга

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ
ВА ЭЪЛОНЛАР



“ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК
КОМБИНАТИ” ип-газлама